

иборат" [6]. Бундан ташқари, бундай масалалар кузатувни ривожлантиришга, ҳодисаларнинг моҳиятини чуқурроқ тушунишга, илмий тахминни тузиш ва уни амалда синаб кўриш кўникмаларини ривожлантиришга ёрдам беради [6].

Бошқа томондан, назарий ҳолатдаги таълим далилини экспериментал тарзда аниқлаш ва ундан физика фанининг бошқа асосий қондаларини исботлаш учун фойдаланиш физика бўйича эмпирик билимлар тизимининг янада тўлиқ шаклланишига ёрдам беради [4].

Моделлаштириш усулининг асосий босқичлари ва "экспериментал масала" тушунчасини таҳлил қилиш - экспериментал масалани ҳал қилишнинг асосий босқичлари билан моделлаштириш методи ўртасида ўхшашликни ўрнатишга имкон беради.

Шундай қилиб техника олий ўқув юртларида умумий физика курсини ўрганишда экспериментал масалалардан фойдаланиш нафақат умумий ўрта таълим мактабларида олинган билим ва кўникмаларни такрорлаш, мустақамлашга (кузатишлар ўтказиш, экспериментни режалаштириш ва ўтказиш, ўлчов натижаларини қайта ишлаш, илмий тахминларни илгари суриш, уларни қўллаш чегараларини белгилаш, олинган билимларни табиий жараёнлар ва ҳодисаларни, техник қурилмаларнинг ишлаш тамойилларини тушунтириш учун ишлатиш ҳамда шубилан бирга талабаларга билиш объектларини ечиш жараёнида моделлаштиришни ўргатиш имкониятларини беради.

Экспериментал масалаларни ечишда моделлаштириш аслида, экспериментал фаолият воситаси сифатида намоён бўлади. "Одатий" экспериментдан фарқи ўла-

роқ - "илмий билиш, объектив қонуниятларни кашф этиш ва махсус қурилма ҳамда асбоблар ёрдамида ўрганилаётган объектга ёки жараёнга таъсир кўрсатишдан иборат бўлган фаолият тури экспериментнинг махсус шакли мавжуд бўлиб, у экспериментал тадқиқот воситаси сифатида мавжуд моддий моделлардан фойдаланиш билан тавсифланади [8]. Моделли эксперименти деб номланган бундай экспериментда тадқиқот объекти билан эмас, балки унинг ўрнини алмаштирувчи билан тажриба ўтказилади. Бунда, ўрнини босувчи-объект ва экспериментал қурилма ўрганилаётган моделда бир бутунга бирлаштирилади.

Моделлардан фойдаланиш экспериментининг ўзига хослиги нафақат амалий ҳаракат мавжудлигида, балки махсус модели вазият - табиатан табиий ва сунъий элементларидан ташкил топган экспериментал қурилмани яратишда намоён бўлади.

Тадқиқотчи, бундай қурилмани яратиш, ундаги элементлар тартибини ўзгартириб, уларни янгиларига алмаштирибунинг ишлашини ўрганади, яъни, унга ўрганиш объектини, тузилишини ўзгартириш орқали таъсир қилади. Шундай қилиб, экспериментал қурилманинг яхлит функция кўрсатиши - ўрганилаётган билиш объектини моделлаштириш воситаси ҳисобланади [8].

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ўқув физик масалаларни ечиш босқичлари ва моделлаштириш методи ўртасидаги мос келишлар, техника олий ўқув юртлари талабаларига физикадан турли хил мураккабликдаги масалаларни ечишда моделлаштириш кўникмаларини шакллантиришга ёрдам беради.

Адабиётлар

1. Антипин И.Г. Экспериментальные задачи по физике в 6-7 классах. Пособие для учителей. -М.: "Просвещение", 1974.
2. Беликов Б.С. Решение задач по физике: Общие методы: Учеб. пособие для студентов вузов. - М.: "Высшая школа", 1986.
3. Каменецкий С.Е., Орехов В.П. Методика решения задач по физике в средней школе. -М.: "Просвещение", 1971. -С.448.
4. Майер Р.В. Проблема формирования системы эмпирических знаний по физике: дис. д-ра пед. наук: 13.00.02/ Р.В. Майер. СПб., 1999. -С.350.
5. Разумовский В.Г. Творческие задачи по физике в средней школе. - М.: "Просвещение", 1966. -С.156.
6. Усова А.В., Тулькибаева Н.Н. Практикум по решению физических задач: Учеб. пособие для студентов физ.-мат. фак. - М.: "Просвещение", 1992. -С. 209.
7. Фридман Л.М., Турецкий Е.Н. Как научиться решать задачи: Пособие для учащихся. - 2-е изд., перераб. и доп. - М.: "Просвещение", 1984. -С. 175.
8. Штофф В.А. Моделирование и философия. - М.: "Наука", 1966. -С. 301.
9. Эсаулов А.Ф. Психология решения задач. -М.:«Высшая школа», 1972. -С. 216.

Маколада олий ўқув юртлари талабалари учун физика курсига онд мураккаб масалалар ечими топишда математик моделлаштириш билан биргаликда экспериментал масалаларни ҳал этиш усуллари орқали керакли ва юқори натижага эришиш мумкинлиги ёритилган.

В статье разъясняется, что для студентов вузов при решении сложных задач курса физики, наряду с математическим моделированием, возможно достижение желаемых и высоких результатов за счет методов решения экспериментальных задач.

The article explains that for university students in solving complex problems of the physics course, along with mathematical modeling, it is possible to achieve the desired and high results through the methods of solving experimental problems.

ГИМНАСТИКА ҲАРАКАТЛАРИНИ ЎРГАТИШДА ЎЙИН УСЛУБИНИНГ САМАРАДОРЛИГИ

И.С.Хайтметов – катта ўқитувчи

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети

Таянч сўзлар: миллий ҳаракатли ўйинлар, жисмоний тайёргарлик, техник тайёргарлик, назорат синовлари мажмуаси.

Ключевые слова: национальные подвижные игры, физическая подготовка, техническая подготовка, комплексные экзамены.

Key words: national active games, physical training, technical training, complex exams.

Тадқиқотнинг долзарблиги: Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг 24 январь 2020 йилдаги ПФ-5924-сонли фармони Ўзбекистон Республикасида охириги йилларда амалга оширилаётган ислохотлар спортни оммалаштириш, аҳоли орасида спортни тарғиб қилиш, асосийси ўсиб келаётган ёш авлодни жисмонан ва ақлан тарбиялаш уларни спорт турларига йўналтириш, бунинг замирида ёш спортчиларни юзага чиқариб, олимпия ўйинлари мусобақаларига тайёргарлик кўриш чора тадбирлари амалга оширилмоқда.

Жойларда ёшлар орасидан иктидорли спортчиларни танлаб олиш (селексия)нинг самарали ва шаффоф тўрт

босқичли – ташкилот-туман (шаҳар)-худуд-республика тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш; [1,2].

Болалар тарбияси деганда, биз аввало кўз олдимизга ёш ўсмирларни келтиришимиз керак. Ёш болаларни педагогик нуқтаи назаридан қонуний тарбиялаш қийин, чунки уларни қандай тарбияласак ва ундасак, улар шу ишларни қилишади. Чунки, уларда қабул қилиш малакалари, тезда табиий ҳолатларга мослашуви юқори даражада ривожланганлигини тарихий ва замонавий педагогика ҳам тасдиқлайди. Болаларни оммавий спорт турларига жалб қилиш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан биридир. Негаки машғулотлар спорт турлари билан шуғулланадиган болаларнинг ёши,

жинси, жисмоний ривожланганлигини эътиборга олиб ташкил қилинса, мақсадга мувофиқ бўлади. 11-12 ёшга етган болаларни спорт турларига йўналтириш мақсадли ва мазмунли бўлиши керак. Айниқса, болалар шу ёшга етгандан кейин уларни анатомик-физиологик тузилишлари, улғайиши ва иш қобилияти ривожланиб боради. Бу ёшдаги болаларнинг ҳаракат фаолиятидаги ривожланишини олиб қарайдиган бўлсак, бунда болалар ҳаракати бир кунда 40-45 минг қадмни ташкил қилмоқда. Бугун ҳар бир ҳудуд ва унда етишаётган халқларнинг анъаналари ҳаракатли ва миллий ўйинларни ҳисобга олиниб, айниқса қайси спорт турини болалар ўртасида ривожлантириш кераклиги тўғрисида истикболли режа ва дастурлар тузиш лозим бўлади. Болалар ўртасида, уларнинг ёшига тўғри келадиган баскетбол, қўл тўпи, волейбол, гимнастика, сузиш, енгил атлетика каби спорт турларини 6-8 ёшдан бошлаб ўтказиш тўғрисида фикр мулоҳазалар, илмий асослар билдирилган.

Тадақиқотнинг мақсади: Мактабда жисмоний тарбия дарсларида асосан гимнастика машғулотида миллий

ва ҳаракатли ўйинларидан фойдаланиш орқали 10-11 ёшли ўқувчиларнинг жисмоний сифатларини ривожлантириш, миллий ва ҳаракатли ўйинларни гимнастика машғулотида қўллашда самарадор шакллари топиш ва назарий жиҳатдан асослаш.

Тадақиқот вазифалари: жисмоний тарбия дарсларида ўзбек халқ ўйинларидан фойдаланиш орқали болаларда жисмоний сифатларни тарбиялашнинг самарадор усуллари, шакллари, йўллари аниқлаш;

Тадақиқот натижалари ва уларнинг муҳокамаси: Педагогик тажрибадан олдин уюштирилган тадақиқот натижаларига кўра назорат гуруҳидаги ўқувчиларида ҳам, тажриба гуруҳидаги ўқувчиларида ҳам жисмоний тайёргарлик жисмоний кўрсаткичлари деярли бир-биридан фарқ қилмади.

Ўғил болалардан иборат назорат (Н) ва тажриба (Т) гуруҳларида педагогик тажрибадан олдин уюштирилган тадақиқот натижаларига (n=36 нафар ўқувчилар)

1-жадвал:

Т/ Р	Меъёрий машқлар	Тажрибадан олдин	
		Н.Г=18 нафар	Т.Г=18 нафар
1	60 м.га югуриш (м/с)	11,6 сек	11,7 сек
2	Турган жойда узунликка сакраш (м)	142см.	140 см.
3	4x10 моккисимон югуриш (м/с)	11,7 сек	11,8 сек
4	1000 м.га югуриш (м/с)	6.00,0 сек	5.48,0 сек
5	Аргимчокда сакраш(1дақ.)	58 марта	60 марта

Педагогик кузатув шуни кўрсатдики, биринчи жадвалда изоҳланганидек, ўғил болаларнинг 60 метрга югуриш назорат гуруҳида 11,6 сек, тажриба гуруҳида 11,7 сек натижа кўрсатди. Шу билан бирга турган жойда узунликка сакраш, назорат гуруҳи 142см га, тажриба гуруҳи эса 140см кўрсаткичга эга бўлди.Шунингдек, ўқувчиларнинг тезкорлик қобилиятини аниқлаш мақсадида 4x10 моккисимон югуриш натижаси назорат гуруҳида ўртача 11,7 сек.га, тажриба гуруҳи эса 11,8 сек тенг бўлди. 1000 метрга югуриш бўйича назорат гуруҳи 6.00,0 сек га тенг бўлган бўлса, тажриба гуруҳида эса 5.48,0 смни кўрсатди. Бир дақиқа давомида аргимчокда сакраш назорат гуруҳи 58 марта, тажриба гуруҳи 60 марта сакради.

Қиз болалардан иборат назорат (Н) ва тажриба (Т) гуруҳларида педагогик тажрибадан олдин уюштирилган тадақиқот натижаларига (n=36 нафар ўқувчилар)

2-Жадвал

Т/ Р	Меъёрий машқлар	Тажрибадан олдин	
		Н.Г=18нафар	Т.Г=18 нафар
1	60 м.га югуриш (м/с)	11,7 сек	11,8 сек
2	Турган жойда узунликка сакраш (м)	1,22см.	1,25 см.
3	4x10 моккисимон югуриш (м/с)	12,6 сек	12,3 сек
4	1000 м.га югуриш (м/с)	6.51,0 сек	6.58,0 сек
5	Аргимчокда сакраш(1дақ.)	58 марта	57 марта

Шунингдек, 2-жадвалда тасвирланган қиз болаларнинг педагогик кузатув натижаси 60 метрга югуриш бўйича назорат гуруҳида 11,7 сек, тажриба гуруҳида 11,8 сек натижа кўрсатди. Турган жойда узунликка сакраш, назорат гуруҳи 1,22см га, тажриба гуруҳи эса 1,25см кўрсаткичга эга бўлди. 4x10 моккисимон югуриш натижаси назорат гуруҳида ўртача 12,6 сек.га, тажриба гуруҳи эса 12,3 сек тенг бўлди. Шу билан бирга ўқувчиларнинг чидамлилиқ қобилиятини аниқлаш мақсадида 1000 метрга югурганда назорат гуруҳи 6.51,0 сек га тенг бўлган бўлса, тажриба гуруҳида эса 6.58,0 сек натижани кўрсатди. Бир дақиқа давомида аргимчокда сакраш назорат гуруҳи 58 марта, тажриба гуруҳи 57 марта натижа кўрсатди.

Педагогик тажриба якунида ўтказилган тадақиқотлар шуни кўрсатадики, тажриба гуруҳидаги талабалар жисмоний тайёргарлиги 6 ойдан сўнг назорат гуруҳига нисбатан кескин динамик ўзгаришлар билан ифодаланди.

Ўғил болалардан иборат назорат (Н) ва тажриба (Т) гуруҳларида педагогик тажриба якунида уюштирилган тадақиқот натижаларига (n=36нафар ўқувчилар)

3-Жадвал

Т/ Р	Меъёрий машқлар	Тажрибадан сўнг	
		Н.Г=18 нафар	Т.Г=18 нафар
1	60 м.га югуриш (м/с)	11,3 сек	10,2 сек
2	Турган жойда узунликка сакраш (м)	150см	170 см
3	4x10 моккисимон югуриш (м/с)	11,3 сек	10,8 сек
4	1000 м.га югуриш (м/с)	5.15,1 сек	4.15,0 соня.
5	Аргимчокда сакраш(1дақ.)	60	72

Педагогик кузатув натижаларига кўра, учинчи жадвалда изоҳланганидек, ўғил болаларнинг 60 метрга югуриши назорат гуруҳида 11,3 сек, тажриба гуруҳида 10,2 сек эга бўлди. Шу билан бирга турган жойда узунликка сакраш, назорат гуруҳи 150см га, тажриба гуруҳи эса 170см натижа кўрсатди. Ўқувчиларнинг тезкорлик қобилиятини

аниқлаш мақсадида 4x10 моккисимон югуриш натижаси назорат гуруҳида ўртача 11,3 сек.га, тажриба гуруҳи эса 10,8 сек тенг бўлди. 1000 метрга югуриш бўйича назорат гуруҳи 5.15,1 сек га тенг бўлган бўлса, тажриба гуруҳида эса ушбу натижа 4.15,0 секни кўрсатди. Бир дақиқа давомида арғимчоқда сакраш назорат гуруҳи 60 маротабани ташкил этган бўлса, тажриба гуруҳида эса 72 марта сакрашга эришилди.






Қиз болалардан иборат назорат (Н) ва тажриба (Т) гуруҳларида педагогик тажриба якунида уюштирилган тадқиқот натижаларига (n=36 нафар ўқувчилари)

4-Жадвал

Т/ Р	Меъёрий машқлар	Тажрибадан сўнг	
		Н.Г= 18 нафар	Т.Г=18 нафар
1	60 м.га югуриш (м/с)	11,5 сек	10,2 сек
2	Турган жойда узунликка сакраш (м)	129 см	165 см
3	4x10 моккисимон югуриш (м/с)	12,0 сек	11,1 сек
4	1000 м.га югуриш (м/с)	6.51,0 сек	5.05,1 сек
5	Арғимчоқда сакраш(1дақ.)	56	79

Шунингдек педагогик кузатув натижаларига кўра, учинчи жадвалда изоҳланганидек, қиз болаларнинг 60 метрга югуриши назорат гуруҳида 11,5 сек, тажриба гуруҳида 10,2 сек эга бўлди. Шу билан бирга турган жойда узунликка сакраш, назорат гуруҳи 129см га, тажриба гуруҳи эса 165см натижа кўрсатди. Ўқувчиларнинг тезкорлик қобилиятини аниқлаш мақсадида 4x10 моккисимон югуриш натижаси назорат гуруҳида ўртача 12,0 сек.га, тажриба гуруҳи эса 11,1 сек тенг бўлди. 1000 метрга югуриш бўйича назорат гуруҳи 6.51,0 сек га тенг бўлган бўлса, тажриба гуруҳида эса ушбу натижа 5.05,0 секни кўрсатди. Бир дақиқа давомида арғимчоқда сакраш назорат гуруҳи 56 маротабани ташкил этган бўлса, тажриба гуруҳида эса 79 марта сакрашга эришилди. Ушбу гуруҳ ўқувчиларида жисмоний тайёргарлик кўрсаткичларининг бундай йўналишда ўзгариши қўлланилган ҳаракатли ўйинларнинг самарали хусусиятга эга эканлигидан далолат беради.

Қиз болалардан иборат назорат (Н) ва тажриба (Т) гуруҳларида педагогик тажриба якунида уюштирилган тадқиқот натижаларига (n=36 нафар ўқувчилар) 1-чизма



Хулоса. 1.Ўқувчиларда ўтказилган педагогик тадқиқотлар турли жисмоний сифатларнинг такомиллашуви жараёнига педагогик тажрибанинг таъсир кўрсатиши хусусиятларинигина эмас, балки улардаги ўзгаришларни ҳам аниқлаш имконини берди.

2.Гимнастика ҳаракатларини ўргатиш жараёнида ҳар хил ҳаракатли ўйинлардан фойдаланиш асосида жисмоний сифатларни ривожлантириш кўрсаткичлари самарадорлигини таҳлил қилиб кўрилса, шундай хулоса чиқариш мумкинки, бундай машғулотлар мактаб ўқувчиларининг барча жисмоний сифатларини ривожланишини таъминлайди.

3.Педагогик тажриба барча жисмоний сифатларнинг ўзгаришларига ҳос хусусиятларини сақлаб қолишигига эмас, балки айрим ҳолларда ҳатто бу жараёнларни тезлаштириш ҳам мумкин бўлганлигини кўрсатди.

Бунда чакконлик, эгилувчанлик, чидамлик, куч ва тезкорлик сифатлари кўпроқ ва тез ривожланади.

4. Педагогик тажриба жараёнида ҳаракатли ўйинлар

ёрдамида ўқувчиларнинг жисмоний сифатларини ривожлантириш билан бирга жисмоний тарбия дарсларида бўлган қизиқишларини ҳам оширишга эришилди.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон республикаси Президентининг 2020 йил 1 январдаги “Ўзбекистон республикасида жисмоний тарбия ва спортни янада такомиллаштириш ва оммалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5924-сонли қарори.

2. Умаров М.Н., Эштаев А.К. Планирование и распределение средств тренировки гимнастов на начальном этапе подготовки. Учебное пособие. - Т.: УзГИФК, 2004. -С.154.

3. Эштаев А.К. Гимнастика дарси: Ўқув қўлланма. - Т.: 2004. 120-б.

4. Эштаев А.К., Умаров М.Н. Планирование и распределение средств тренировки гимнасток на начальном этапе подготовки. Учебное пособие. -Ташкент: 2004, -С. 156.

РЕЗЮМЕ

Мактабда жисмоний тарбия дарс жараёнида қўлланилган машқлар мажмуаси 10-11 ёшли мактаб ўқувчиларнинг жисмоний сифатларини ривожлантиришда ўзининг амалий тасдиғини топди.

РЕЗЮМЕ

Комплекс упражнений, использованный на уроках физической культуры в школе, нашёл свое практическое подтверждение в развитии физических качеств школьников 10-11 лет.

SUMMARY

A set of exercises used physical education lessons at school has found its practical confirmation in the development of physical qualities of 10-11year old schoolchildren.

ТЕНДЕНЦИИ И ИНТЕГРАЦИЯ ИННОВАЦИОННОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ КАК ОСНОВА ПОВЫШЕНИЯ КАЧЕСТВА ОБРАЗОВАНИЯ

(из опыта работы кафедры русского языка и литературы)

А.А.Ходжаниязова – кандидат педагогических наук, доцент

Г.К.Генжебаева – старший преподаватель

Нукуский государственный педагогический институт имени Ажиязия

Таянч сўзлар: тенденциялар, инновациялар, ислохот, олий таълим, самарадорлик, халқаро ҳамкорлик.

Ключевые слова: тенденции, инновации, реформа, высшее образование, повышение эффективности, международное партнерство.

Key words: trends, innovations, reform, higher education, efficiency improvement, international partnership.

На сегодняшний день благодаря последовательному воплощению в жизнь положений, указанных законов в республике сформирована

Национальная модель подготовки кадров по принципу «личность - государство и общество - непрерывное образование - наука – производство».

По инициативе Президента Республики Узбекистан Ш.М.Мирзиёева приняты постановления и указы о радикальной реформе высшего образования в нашей стране, подготовки квалифицированных, конкурентоспособных, специалистов с современными знаниями и опытом определяют основу для развития этой области. Важным шагом в этом направлении стал принятый Указ Президента Республики Узбекистан от 8 октября 2019 года № ПФ-5847 «Об утверждении Концепции развития системы высшего образования Республики Узбекистан до 2030 года», что коренным образом реформирует данную отрасль. Так как этим Указом определены важные направления развития высшего образования в нашей стране. В частности, отражен ряд вопросов, касающихся расширению сферы деятельности системы высшего образования, обращено особое внимание качеству подготовки конкурентоспособных специалистов, внедрение ИТ технологий и новых педагогических методов в образовательный процесс, а также более широкое вовлечение молодого поколения в науку, интеграцию образования, науки и производства.

В Указе президента Республики Узбекистан «О совершенствовании системы государственного управления в сфере развития научной и инновационной деятельности» сказано, что «в последние годы осуществлены целенаправленные меры в области инновационного развития отраслей экономики и социальной сферы республики, всесторонней поддержки и повышения результативности науки и научной деятельности.

Утверждена стратегическая программа, направленная на включение нашей республики в список 50 передовых стран мира в глобальном рейтинге в области инноваций, внедрены новые механизмы финансирования научных проектов, созданы дополнительные условия для материального стимулирования высококвалифицированных кадров в сфере науки.

Несмотря на это, реализуемые на нынешнем этапе развития страны широкомасштабные реформы показывают необходимость совершенствования механизмов государственного управления в сфере науки и инноваций, повышения прозрачности при формировании государственных программ по научной деятельности и ускорения процесса внедрения научных достижений и инновационных технологий в отраслях экономики и регионах» [1].

Как и во всех отраслях, инновации будут иметь важное значение для качественных изменений в образовании, в отличие от наблюдаемого до сих пор количественного роста. Эти изменения необходимы для повышения эффективности и улучшения качества и равенства возможностей обучения. В то же время образование может также способствовать инновациям в обществе в целом, развивая правильные навыки для их развития.

«Инновации в высшем образовании должны быть ориентированы на передачу знаний, на овладение базовыми компетенциями, какие позволяют овладевать новыми познания самостоятельно. Инновации в высшем образовании - это прежде всего, фактор увеличения свойства просвещения, и роста конкурентоспособности четкого высшего учебного заведения на рынке просветительных услуг. Ключевая цель высшего образовательного учреждения, где внедряются инновации, - это разработка программы инновационной деятельности, которая ориентирована на развитие новшеств, революционных процессов в экспериментальной и умственной деятельности. Сейчас особенно удачными при введении инноваций в высшее образование представляются следующие процессы: это разработка обучающимися проектов для различных секторов экономики; исполнение исследований практического и основательного характера; использование образовательных технологий, которые позволяют подбирать учебные курсы студентами. Инновационное исследование в образовании обязано начинаться с создания или принятия основательной академической концепции, изменения парадигмы воспитания. Целью инновационной деятельности